

Бор эканда йўк экан, битта загизгон бўлган экан. У бир туп дўлананинг тепасига ин кўйибди ва бешта бола очибди. Болалари энди учирма килишга якинлашган кунларда ундан бир оч тулки хабардор бўлиб қолибди. Тулки загизгонга дўк килиб, болаларини ейиш пайига тушибди. У дўлананинг тагига келиб:

— Эй загизгон, битта болангни ташласанг ташлагадинг, ташламасанг дўлапангни тагидан агдараман, кизил конингни шимираман, этингни еб, суякларингни кемираман, болаларинг билан битта кўймай хаммангни кираман, — деб кўркита бошлабди.

Бечора загизгон кўркиб кетганидан битта боласини йиглаб-йиглаб ташлаб юборибди. Тулки уни кўтариб жўнаб кетибди. Эртасига тулки овкат топиб еёлмай. Яна дўлананинг тагига келиб, загизгонга кечагидек дўк кила бошлабди:

— *Дўланангни тўмираман*
Конларингни шимираман.
Суягингни кемираман,
Битта кўймай кираман.

— Яна битта болангни ташла, яхшиликча ташламасанг, ўзинг биласам, — дебди. Загизгон бошка болаларим омон колар-ку, — деган ният билан жонидан азиз бўлган боласининг иккинчисини қурбон қилибди.

Тулки загизгоннинг иккинчи боласини кўтариб, жўнаб қолибди. Ўрганган кўнгил ўртанса кўймас, дегандек тулки тўрт кун деганда загизгоннинг тўртта боласини еб кўйибди. Бешинчи куни загизгон биттагина боласи билан қолиб, йиглаб ўтирган экан, унинг олдига бирдан бир бедана учиб келибди. Йиглаб ўтирган загизгонга кўзи тушиб, бедана унинг холини сўрабди. Загизгон ўз ахволини сўзлаб берибди. Доно бедана загизгоннинг нодон ва кўркоклигига кўп ачинибди. Кейин унга шундай деб ўргатибди.

— Э загизгон, тулки яна сенинг олдинга келиб:

— *Дўланангни тўмираман,*
Конларингни шимираман...—

деб дўк қилса, сен «тўмирсанг тўмиравер, шимирсанг шимиравер», деб тура бер. Колган болангни ташлама, — дебди.

Бедана кетгандан сўнг, тулки келиб қолибди. Тулки кундаги дўқини қилиб, загизгонни кўрқитмокчи бўлган экан, загизгон:

— *Дўланани тўмирсанг тўмиравер, кемирсанг кемиравер, энди сендан кўркмайман,* — дебди. Шунда тулки:

— Э загизгон, бу сўзларни сенга қим ўргатди? — дебди. Загизгон:

— Бу сўзларни менга бедана ўргатди, — дебди. Тулки:

— Бедана қаякка кетди? — деб сўрабди.

Загизгон бедана кетган томонни тулкига кўрсатиб берибди, энди тулки бедананинг орқасидан излаб кетибди. Бедана бир ўтлокка бориб ухлаб ётган экан. Тулки унинг изидан бориб топиб, усталик билан беданани тутиб олибди. Бедана:

— Э тулки, мени нима килмокчисан? — деган экан, тулки:

— Сен загизгонга гап ўргатганинг учун у боласини ташламади. Энди сени емокчиман, — дебди. Бедана тулкига айтибди.

— Мени еганинг билан хеч бир барака топмайсан, корнинг хам тўймайди, менинг бир бармокчалик хам эгим йўк. Сен мени емасанг, сени яхшилаб тўйдираман.

Тулки:

— Қандай килиб мени тўйдирасан? — деб сўрабди. Бедана айтибди:

— Катта йўлга чикиб турамыз, сен бир тўда хашакнинг ичига кириб беркиниб турасан, хотинлар дастурхонларда турли нарсаларни тугиб ўтадилар. Мен уларнинг олдига тушиб, хурпайиб тураман. Хотинлар мени кўриб: «Мана бу беданани кўринглар», дейдилар. Шунда мен учолмай, йўргалаб кочаман. Хотинлар дастурхонни кўйиб мени ушламокчи бўладилар. Мен секин-секин йўргалаб, секин-секин учиб, уларни узокрокдаги бир тепанинг оркасига олиб кетаман. Сен шу вақт хашак орасидан чикиб, дастурхонларни очасан, энг яхши нарсаларни олиб коча берасан.

Бу тадбирни эшитган тулки шодланибди. Тулки билан бедана катта йўлнинг бир четига чикиб турибдилар. Тулки хашак орасига кириб яширинибди. Шунда узокдан уч-тўртта хотин катта-катта дастурхонларни кўтариб кела берибди. Бедана хотинларнинг олдига чикиб хурпайиб тура берибди. Хотинлардан биттаси:

— Э, ана у беданани каранглар, — дебди.

Бошка бир хотин:

— Менинг боламнинг беданаси учиб кетган эди. У хар куни бедана деб хархаша килади. Келинлар, хаммамиз ўраб тутиб оламиз. Бу бедана учолмайдиганга ўхшайди, — дебди.

Хотинлар тугунларини ерга кўйиб, беданани ушлаш учун кувлабдилар. Бедана аввал йўргалабди, кейин калта-калта учибди, охири хотинларни кизиктириб, тепанинг оркасига олиб ўтибди. Хотинлар: «Бу бедананинг канотлари юлинган бўлса керак, зўрга учяпти», деб ўйлаб турган эканлар, бедана бирдан «пирр» этиб учиб, кўздан гойиб бўлибди.

Хотинлар дастурхонга бир талай нон ва гўштларни солиб, чимилдик уздига кетаётган эканлар. Тулки дастурхонлар холи колганини кўриб, дарров очибди, нон ва гўштларни еб жуда хам тўйиб кетибди. У яна беданани кидириб топибди. Шунда тулки:

— Э бедана, мени кўп тўйдириб юбординг, овкатни хазм килишим кийин бўлиб колди. Энди менга бир кизик томошаларни кўрсатиб, айлантириб келгин ва мени кулдиргин, — дебди.

Бедана учиб бориб, бир сигир соғиб ўтирган кампирнинг олдига якинлашибди. Пирр этиб учиб сигирнинг шохига кўниб олибди. Кампир бунга кўриб чолни чакирибди.

Чол беданани уриб олмокчи бўлибди. Мўлжаллаб туриб таёк отган экан, бедана учиб кетибди, сигирнинг шохи синибди, хуркиб кетган сигир кампир соғган сутни тўкиб юборибди. Бунга кўрган тулки кула бериб, ичаги узилай деб колибди. Бедана хира тулкидан узоклашиб, у билан хайрлашмай жўнаб колибди.

Тулки эртаси эрта билан яна беданани кидириб кетибди. Бедана бир ўтлоқда ўтларнинг уругларини еб юрган экан, бирдан завк билан сайраб юборибди. Агар у сайрамаганда, тулки уни кечгача хам тополмас экан. Тулки беданани кўриб, буйрук килибди:

— Эй, бедана, бугун хам мени тўйдириб, хурсанд киласан, бўлмаса ўзингни еб кўяман, — дебди.

Бедана ичида: «Бу хира тулкидан кутулиш керак, у хатарли душман, чунки ухлаб колганинда ушлаб олса, еб кўйиш мумкин» деб ўйлабди. Бедана тулкига:

— Хўп, бугун хам тўйдираман, лекин бу якинда тўн хам йўк, кечагидек дастурхон кўтарган хотинлар хам йўк, шунинг учун кишлокка якин жойда бир парча гўшт кўрган эдим, шунга бошлаб бораман, — дебди. Тулки рози бўлибди.

Бедана бу гал тулкини чўпонларнинг копконига бошлаб борибди. Копкондаги гўштни кўрган тулки бора солиб ўзини гўштга урибди. Копконнинг илгаги чикиб тулкининг бўйнидан кисиб олибди. Айёр тулки ўз тумшугидан копконга илиниб, кўп азоб чекиб ўлибди.

Бедана хам, загизгон хам хира ва айёр душмандан кутулиб колибди.

Чўпонлар копкондаги тулкини кўриб, жуда хурсанд бўлибдилар.